SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 4-NOYABR ■ SESHANBA ■ 128 (27.148) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

КОТИБИЯТ МАЖЛИСИ

ХДП хабарлари

2003 йилнинг 3 ноябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда партия ташкилотларидан тушаётган таклифлар инобатга олиниб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низомининг янги таҳририни тайёрлаш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Котибият қарори билан Ўзбекистон ХДП Низоми янги таҳрири лойиҳасини тайёрловчи Марказий Кенгаш Ишчи гуруҳи тузилди ва унинг таркиби тасдиқланди.

Йиғилишда, шунингдек, партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг 12 йиллиги муносабати билан партия Марказий Кенгашида йиғилиш ўтказилди. Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов ХДПнинг ўтган давр ичида босиб ўтган йўли, ҳозирги кундаги амалий фаолияти ва келгуси вазифалари ҳақида гапириб, қабулда иштирок этган партия фаолларини мазкур сана билан қизғин табриклади. Тадбирда Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммаолари комиссияси аъзоси Гулнора Йўлдошева ва «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Норбобо Шакаровларга уларнинг номлари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши «Эҳтиром китоби»га киритилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар топширилди. Шунингдек, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК раиси, Олий Мажлис депутати Очилбой Раматов, «Шарқ гули» АЖ бошқаруви раиси Саида Ғаниева, Тошкент Шарқшунослик институти профессори Руфат Раззоқов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррирининг ўринбосари Алимқул Султонов ва бошқаларга Марказий Кенгаш Фахрий ёрлиқлари топширилди.

ЎзХДП МК матбуот хизмати

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 ноябрь куни Оқсаройда Украина ташқи ишлар вазири Константин Гришчнекони қабул қилди.

— Биз Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги муносабатларга ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қараймиз, — деди мамлакатимиз раҳбари учрашувда. — Давлатларимиз ўртасида барча соҳаларда йўлга қўйилган самарали ҳамкорлик катта истиқболга эга.

Стратегик ҳамкорлик тамойилларига асосланган Ўзбекистон — Украина муносабатлари икки мамлакат томонидан ҳам юқори баҳоланади ва қадрланади. 1992 йилдан буён ҳозиргача икки давлат ўртасида тўққиз марта олий даражадаги ташриф амалга оширилгани ва ўзаро бир юз ўттиздан зиёд ҳужжат имзолангани ҳам ушбу алоқаларнинг анъанавий дўстлик, ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат асосида ривожланаётганини тасдиқлайди.

1997 йилнинг мартида икки давлат Президентлари Ўзбекистон билан Украина ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳукуматлараро қўшма комиссия ташкил қилишга келишиб олган ва бу тўғрида протокол имзолаганди. Шундан буён мазкур комиссия мунтазам мажлис ўтказиб, долзарб масалаларни муҳокама этиб келади. Унинг шу йил январда бўлиб ўтган бешинчи мажлисида савдо, ёқилғи-энергетика, транспорт, фан-техника, таълим ҳамда сайёҳлик ва маданият соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўрилди. Айтиш жоизки, ҳозирги кунда мазкур соҳаларда алоқалар кўлами тобора кенгаймоқда.

Ўзаро савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам ривожланиб бораётир. Жорий йилнинг саккиз ойи якунларига кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 238 миллион АҚШ долларидан ошган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўттиз фоиз кўпдир.

Мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик борасида доимий равишда маслаҳатлашувлар ўтказади. Ўзбекистон ва Украина БМТ Хавфсизлик кенгашини ислоҳ қилиш ва уни халқаро хавфсизликнинг замонавий тизимига мослаштириш юзасидан ҳамфикрдир.

Украина Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Ўзбекистон — Украина муносабатлари ҳамда мамлакатларимизнинг халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасидаги ҳамкорлигига оид, шунингдек, минтақамизда ва халқаро майдондаги бугунги вазият билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашилди.

✧ ✧ ✧

Ўзбекистон АҚШ билан стратегик ҳамкорлик ўрнатган саноқли давлатлар сирасига киради. 11 сентябрь воқеаларидан кейин АҚШ раҳбарлигида халқаро коалиция тузилиб, Афғонистондаги террор ўчоқларига барҳам бериш учун кураш бошлангач, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамлана бошлади. Террорчилик ҳуружини ўз бошидан кечирган Ўзбекистон халқаро коалицияни биринчилардан бўлиб қатъий қўллаб-қувватлади. Ўзаро ишонч, мақсадларнинг муштараклиги Ўзбекистон ва АҚШни стратегик ҳамкорларга айлантирибгина қолмай, ўзаро алоқаларни муттасил ривожлантиришга йўл очмоқда. Таниқли сиёсатшунос Збигнев Бжезинскийнинг юртимизга ташрифи бу фикрнинг яна бир тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 ноябрь куни АҚШнинг Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази консултанти, АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича собиқ маслаҳатчиси З.Бжезинскийни қабул қилди.

— Биз сизни нафақат АҚШ, балки жаҳон ижтимоий-сиёсий ҳаётида таниқли арбоб деб биламиз, — деди Ислом Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан. — Ушбу учрашув Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига доир қатор масалаларни яна бир карра илмий ва сиёсий нуқтаи назардан муҳокама этишга яхши имкон яратмоқда.

З.Бжезинский 1928 йили Варшавада туғилган ва кейинчалик АҚШ фуқаролигини олган. Сиёсат оламида катта нуфузга эга арбоб. Унинг тадқиқот ва таҳлилий мақолаларига жаҳон сиёсатчиларининг қизиқиши катта. У ўзининг аксарият тадқиқотларини АҚШнинг ташқи сиёсатдаги стратегияси ҳамда шўролар тузуми таҳлилига бағишлаган. 1977-1981 йиллари АҚШнинг ўша пайтдаги президенти Жимми Картернинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлган.

З.Бжезинский дунёнинг турли минтақаларидаги сиёсий вазиятларни теран таҳлил қилади. Шу боис АҚШ раҳбарлари унинг ташқи сиёсат борасидаги фикр-мулоҳазаларини юксак қадрлайди. У Ўзбекистон минтақамизда муҳим ўрин тутишини таъкидлаб, биз билан ҳамкорлик АҚШ манфаатлари учун муҳим аҳамиятга эгалигини концептуал асослаб берган.

Бу шаҳснинг мамлакатимизга ташрифи ва давлатимиз раҳбари билан учрашуви катта воқеадир. Зеро, у Президент Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, узоқни кўзлаб юритилаётган ташқи ва ички сиёсат, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда ўзига муносиб ўрин топиши, жамиятимизнинг сиёсий-ижтимоий ва демократик шаклланиши, иқтисодиётимиздаги юксалиш жараёнлари жаҳон сиёсатчиларининг диққат марказида турганини кўрсатади.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқалар, минтақада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро терроризмга қарши кураш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА)

Суратларда: қабуллар пайти.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

ОДИЛ СУДЛОВНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

2003 йил 3 ноябрда Тошкент шаҳрида АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этган Марказий Осиё ҳудудий (регионал) конференцияси ўз ишини бошлади.

Конференция ишида Марказий Осиё мамлакатларида жиноий ишлар бўйича одил судлов тизимини ислоҳ қилишнинг энг долзарб масалалари муҳокама этилади.

Конференцияни Дэвид Эпплтон (АҚШнинг Ўзбекистондаги муваккат ишончли вакили) ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг биринчи ўринбосари И.Абдуллаевлар кириш сўзи билан очдилар.

Конференция ишида таниқли олимлар, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари ҳамда Россиянинг қонунчилик ва юридик идоралари вакиллари иштирок этмоқдалар.

Конференция қатнашчилари уч кун давомида жиноят қонунчилиги ислоҳотлари, ҳибса ва қўлга олиш процедураларини назорат қилиш усуллари, суд мажлисларида оқловчи ва қораловчиларнинг мунозара жараёнини ривожлантириш ва соддалаштирилган суд процедураларини қўллаш каби масалаларни муҳокама қиладилар. Конференция якунида келгусидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари келишиб олинади.

Адлия вазирлиги матбуот хизмати

Долзарб мавзу

КУТУБХОНА:

МУАММО, МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ

Китоб комилликка элтувчи ягона йўл ва мақсаддир. Буюк китоблар миллатни бирлаштиради, тафаккурини юксалтиради. Улуғ китоблар халқ бағрида улуғ инсонларни тарбиялайди. Китоб миллат мураббийси. Яхши китоблар ўлмас қадриятлар сингари бутун авлодларни камолга етказади. Кутубхона эса ёш авлодга ёруғ келажак йўлларини кўрсатиб беради.

Афсуски, ҳозир кўпгина кутубхоналар остонасига қадам қўйган ўқувчи янги адабиётларнинг етишмаслиги, даврий нашрларга обуна қониқарсиз аҳволда эканлиги, китоб фонди бугунги кун талабига жавоб бермаслиги, кутубхоналар асосан мослаштирилган биноларда фаолият кўрсатаётганлигига гувоҳ бўлади. Биз Республика болалар кутубхонаси ва унинг вилоят бўлимлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ҳамда Самарқанд вилоят кутубхоналаридаги аҳволни ўрганганимизда соҳада ҳал этилиши зарур бўлган кўпгина муаммолар тўпланиб қолганлиги кўзга ташланди.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 4 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	690,47	1 Польша злотийси	241,44
1 Англия фунт стерлинги	1652,53	1 СДР	1396,73
1 Дания кронаси	152,00	1000 Туркия лираси	0,66
1 БАА дирхами	265,61	1 Швейцария франки	727,84
1 АҚШ доллари	975,52	1 ЕВРО	1129,75
1 Миср фунти	158,11	10 Жанубий Корея вони	8,23
1 Исландия кронаси	12,75	10 Япония иенаси	88,57
1 Канада доллари	738,08	1 Россия рубли	32,58
1 Хитой юани	117,86	1 Украина гривнаси	182,96
1 Малайзия рингити	256,75		

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

ДЕНОВ ХИРМОНИ

— Жорий йилда ғалла ва пахтанинг ўзидан 9,5 миллиард сўм даромад қилмоқчимиз, — дейди туман ҳокими Абдулҳаким ЭШМУРАТОВ. — Бу — 2000 йилги даромаддан уч баробар кўп...

Бир вақтлар қолоқлик гирдобида қолган туман икки йилдирки, вилоятда биринчилардан бўлиб, зафар маррасини эгалламоқда.

Хўш, бунинг боиси нимада?

Туманда аввало ернинг ҳақиқий эгалари — ижарачи, пайчи, тадбиркор ва фермерларга алоҳида эътибор қаратилди. Меҳнатга муносабат, иштиёқ, манфаатдорлик йил сайин ўзгариб борди. Кадрлар масаласи ечими, оқсоқоллар маслаҳати — ҳаммаси «арғамчига қил қувват» деганларидек, ютуқлар омили бўлди.

— Келганларингиз яхши бўлди-да, — деди хурсандчилигини яширолмаган ҳоким қабулга киришимиз биланоқ. — Бугун пахтада маррага етдик. Мана, танишинг, Карорматулло Ҳасанов, — ёнидаги шеригини кўрсатди у. — «Холмаҳмад бобо» фермер хўжалиги раҳбари. 112,7 гектар ер майдони бор. Шундан 67 гектардан кўпроғи пахта — 190 тонна «оқ олтин» топшириб, режани ортиғи билан уддалади. Ғаллани ҳам қойиллатган фермерларимиздан бири шу киши. Қолаверса, саховат, савобталаб ва ҳокисор инсон. Ўтган йили ўз ҳамёнидан 7 миллион сўм сарфлаб, «Гулобод» маҳалласида артезиан қудуғи қаздирди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлади. 82 нафар ногирон ва кам таъминланган оилаларга 50 килодан, ўз ишчиларига эса ярим тоннагача буғдой берди. Бу ёғини «энди ўзингиз гапиринг, бой бобо» — деди у фермерга юзланиб.

— ...Ширкатдан ҳам фермер афзал экан, — сўз бошлади «бой бобо». — Пайкал ўзингники, даромад ўзингники... Фақат ерни алдамасанг бўлгани, бир йилдаёқ миллионер бўб турибсан...

... Телефон қўнғироғи суҳбатимизни бўлди. Ҳоким «узр» дегандек гўшакни олди. Қисқа, лўнда савол-жавобдан сўнг кайфияти янаям кўтарилгандек бўлди.

— «Миллий банк» бошлиғи Бахтиёр Шеров, — изоҳ берди у, — ўтган йили илғорларга 15 та рангли телевизор, 30 та қимматбаҳо гилам ва пул мукофотлари берилганди. Бу йил 5 та «ТИКО», 30 та рангли телевизор ва 50 та гилам совға қилишни маслаҳатлашдик. Лекин, ростини айтсам, бу йил ҳам пахтачиликда осон кечмади. Баҳор серёғин келди. Сел, жала... 4 минг 752 гектар майдонга икки-уч марта қайта чигит экдик. Устига-устак ёз жазирамасини айтмайсизми? ...Халқимизга раҳмат. 12 минг 977 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил олдик. Режа уддаланди. Хирмон 41 минг тоннадан ошди. Ғалла ва пахтанинг ўзидан 9,5 миллиард сўм даромад қилмоқчимиз. Бу — 2000 йилги даромаддан уч баробар кўп. «Мустақиллик», «Ғалаба», «Холчаён», Бобур, Шароф Рашидов, Амир Темур, Ислом Тўраев, С.Раҳимов номидаги ширкат хўжаликлари маррага анча барвақт етиб келишди. Биргина «Ҳазорбоғ» ширкат хўжалигининг ўзи 8 минг тонна пахта берди. «Исмоил», «Зафар», «Вали», «Шамсиддин», «Отабек», «Шароф», «Қобил бобо», «Юсуф», «Лочин» ва бошқа фермер хўжаликлар ҳозир режани 120-140 фоизгача бажаришди...

Суратда: «Холмаҳмад бобо» фермер хўжалиги аъзолари

Суҳбатимиз далага кўчди. Дастлаб «Холчаён» ширкат хўжалигига бордик.

— Сўнгги 4-5 йилги қолоқлик одамларнинг кўнглини меҳнатдан анча совутиб юборган экан, — ҳикоя қилди хўжалик бошқаруви раиси Тожимурод Қобилов. — Шунга қарамай, бу йил ҳар гектар майдондан 35 центнердан ҳосил олдик. 300 миллион сўмлик даромадни кўзлаб турибмиз. Йил охирида ҳар бир пайчига дивиденд ҳам берамиз. Келажакда 100 миллион сўмга спорт мажмуи қурмоқчимиз.

Раис билан пайкаллар ораладик...

— Бу донгдор пахтакор Назиртош Тўраев даласи,— таништирди, у. — Майдони ўн гектар. Даромади зўр, ўн беш кунда бир миллион сўм пул олди. Тўй қилди, ўғил уйлантирди...

Шароф Рашидов номли ширкат хўжалиги миришкорлари 930 тонналик хирмон кўтаришибди. Яқинда бу ерда 180 ўринли мактаб, икки километрдан ортиқ асфальт йўл ишга туширилди. Парандачилик ҳам қайта ташкил топди. Шариф Норқобилов номидаги маҳалла тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Даврамизга туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Абдусамад Ҳожиқулов қўшилгач, суҳбатимиз янада қизиди.

— Режага қўшимча яна 3 минг тонна пахта етказиб берсаккина, кўнглим таскин топади, — деди у завқ билан. — Чунки, бу йил ўғит, эҳтиёт қисм, ёнилғидан қийналмадик. Шундай экан, Оллоҳ берган ризқ ва бойлик увол бўлмасин, дейман...

А.Ҳожиқуловнинг сўнгги сўзларига ўхшаш гапни боя ҳоким ҳам айтганди: «Худо бу йил деновликларга қарашди. Бойликни берди. Энди уни бир мисқолини ҳам увол қилмай йиғиб олиш — ҳам фарз, ҳам қарз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

РЕЖА БАЖАРИЛДИ, ТЕРИМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Чиноз тумани пахтакорлари давлат қабул пунктларига 19 минг 880 тонна сифатли пахта хомашёси етказиб бериб, Тошкент вилоятида биринчи бўлиб йиллик шартномавий режаларини бажардилар.

«Пахта — 2003»

Дарҳақиқат, деҳқончилик учун мураккаб келган жорий йилда қўлга киритилган бу меҳнат ғалабаси замирида, аввало, туманда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси, қолаверса, чинозлик пахтакорларнинг фидокорона меҳнати, изланиш ва ташаббускорлик фазилатлари мужассам. Шундан бўлса керак, улар бугунги кунда ўзларининг баракали ҳаёт мазмунини ана шундай амалий меҳнатлари эвазига келган даромадларида кўришмоқда. Туман пахта далаларида бу йил 16 минг нафардан зиёд теримчиларнинг фаол иштирок этганлиги ҳам шундан. Далалардан йиғиб-териб олинган ҳосил асосан биринчи навга сотилди.

— Туманимиз хўжаликларида бу йил таъбир жоиз бўлса, табиат ва инсон ўртасида одилона «келишув» вужудга келди: ер, сув ва муҳитни асраш, ундан оқилона фойдаланиш барчанинг бирдек мақсадига айланди, — дейди туман ҳокими Йўлдош Тожибоев. — Мелиорацияга эътибор кучайди. Ҳудудимиздаги 68 та насос-суғориш мосламалари қайта таъмирланди. Ғўза қатор ораларига ишлов берадиган замонавий культиваторлар сотиб олинди. Катта-катта пахта майдонларидаги ҳосилга зиён етказувчи ҳар хил ҳашаротларга қарши кураш олиб борилди.

Йиғим-теримда туманнинг «Эшонобод», Амир Темур, Алишер Навоий, Собир Раҳимов номли ширкат хўжаликлари пешқадамлар сафида бўлишди. Турсуной Охунова номли ширкат хўжалиги пудратчилари ҳосилдорликни 35 центнергача етказдилар.

... Ҳа, Чинознинг пахта карвони бугун маррада! Режа бажарилди. Терим давом этмоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ

ТАДБИРКОРЛИК САМАРАСИ

Нарпай тумани пахтакорлари жорий йилда ҳам вилоятда биринчилар қаторида давлатга пахта сотиш режасини уддаладилар.

Жами 11780 гектар майдонга чигит қадаган уста пахтакорлар шу кунга қадар 30 минг 328 тонналик хирмонни бунёд этишди.

— Туманимиз деҳқонларининг тадбиркорлиги, фидокорона меҳнати самарали бўлди, — дейди туман ҳокими Акбар Жамилов. — 428 гектар майдонга чигит плёнка остига экилиб, эртанги пахта етиштирилди. Иқлим шароитимизга мос «Оқдарё-6» пахта нави ҳосилдорликни оширди.

Шунингдек, Нуробод ва Ургут тумани пахтакорлари ҳам зафар қучдилар.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

БИЗНЕС БАНК

ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

BUSINESS BANK

Долзарб мавзу

КУТУБХОНА: МУАММО, МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

БОЛАЛАР КУТУБХОНАЛАРИДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

Бола билимни китобдан олади. Китоб фарзандларимизнинг баркамол шахс бўлиб вояга етишига хизмат қилади. Афсуски, ҳамма хонадонларда оила кутубхоналари мавжуд эмас. Демак, ўз-ўзидан китобга бўлган маънавий эҳтиёж асосан кутубхоналар орқали қондирилиши мумкинлигини эътиборга олсак, бу бўғин зиммасига нақадар улкан масъулият юкланаётганини англаймиз. Хўш, айни пайтда болалар кутубхоналари қандай фаолият кўрсатмоқда? Уларнинг аҳволи талабга жавоб берадими?

Мамлакатимизда 470 та болалар кутубхонаси мавжуд бўлиб, шундан 1 та республика, 12 та Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар (Тошкент вилоят болалар кутубхонаси ҳали ташкил этилмаган), 270 та шаҳар ва туман, 187 таси қишлоқ болалар кутубхонаси ҳисобланади. Улар тахминан 6 миллион болага хизмат кўрсатиши лозим.

Бугунги авлод кечагисидан фикрлаш доираси, салоҳияти, тафаккур тарзи билан фарқ қилади. Унинг талаби, истаги ҳам шунга мос. Шундай экан, биздаги мавжуд кутубхоналар болаларимизнинг бадиий адабиётларга бўлган талабини қондира олаяптими?

— Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоят болалар кутубхоналарига ҳар йили маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилади. Лекин, кўп ҳолларда турли сабаблар билан кутубхоналарни янги адабиётлар билан таъминлаш қониқарсиз аҳволда қолмоқда. Маҳаллий нашриётлар томонидан тижорат мақсадида чиқарилган китобларни сотиб олишга кутубхоналарни мажбурлаш ҳоллари ҳам учраб турибди, — дейди маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Эрназаров.

— Ваҳоланки, китоблар орасида бадиий, ғоявий жиҳатдан талабга жавоб бермайдиганлари ҳам оз эмас.

Болалар кутубхоналаридаги шароитлар ҳам кишини ташвишга солади. Бухоро вилоят болалар кутубхонасида китобларни сақлаш, мутолаа қилиш учун зарур жиҳозлар етишмайди. Навоий вилоят болалар кутубхонаси мутасаддиларининг айтишича, бу ерга келган ўқувчиларга хизматчилар ўз стол-стулларини бўшатиб берар экан.

— Кутубхонамиз шу йилнинг апрель ойида авария ҳолатига келиб қолганлиги сабабли ёпиб қўйилган эди. Биномиз жуда эски-да, 1930 йилда хом ғиштдан қурилган, — дейди Сирдарё вилоят болалар кутубхонаси директори Хушнудбек Мирзаев. — Раҳбарларга кутубхона биноси масаласида хат билан мурожаат этдик. Маҳаллий ОАВда ушбу ҳолат кескин танқид қилинди. Шундан сўнг кутубхонани бошқа бинога кўчиришга ваъда беришди. Бироқ ҳамон вазият ўзгарган эмас. Бунинг устига туманлардаги бўлимлар ҳам ишламаяпти. Мутахассислар етишмайди.

— Бутун республикамиз кутубхоналарида мутахассис кадрлар етишмаётганлиги бор гап, — дейди Маданият ишлари вазирлиги маданий-маърифий ва музей ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ғулом Нарзуллаев. — Кутубхоналарда олий маълумотга эга, етук мутахассислар ишлаши керак. Уларнинг ўрнига аксарият ҳолларда ўрта, ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар меҳнат қилаяпти. Соҳанинг малакали ходимлари эса турли сабабларга кўра ишни ташлаб кетган.

— Сирдарё вилоят болалар кутубхоналари умумий китоб жамғармасини 287477 нусха адабиёт ташкил этади, — дейди республика болалар кутубхонаси директорининг ўринбосари Мирсоат Исҳоқов. — 2002 йил давомида шундан 8318 нусхаси рўйхатдан чиқарилган. Унинг ўрнига бор-йўғи 128 номдаги китоб харид қилинган. Бу албатта кутубхонада китоб жамғармасининг камайиб кетишига, китобхонлар эҳтиёжининг қонмаслигига ва охир-оқибат улар сонининг кескин қисқаришига олиб келади. Бундай ҳолатни, афсуски республикамизнинг бошқа вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, Фарғона вилоятининг Марғилон, Риштон, Фарғона туманларида, Жиззах вилоятининг айрим жойларида эса баъзи кутубхона бинолари турли идоралар учун олиб қўйилган. Бундай ҳолатни республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам кузатиш мумкин. Ачинарли жойи шундаки, буни ҳамма кўриб, билиб сукут сақлаб турибди. Гўё ташвишланадиган ҳеч иш бўлмагандек.

Беҳзод ШУКУРОВ

ҚАЧОН ЎЗ БИНОМИЗГА ЭГА БЎЛАМИЗ?

Қорақалпоғистон Республикаси бош кутубхонасига 1936 йилда асос солинган. 300 минг китоб фондига эга ушбу даргоҳ ҳанузгача ўзининг муқим биносига эга эмас. Унда 1941 йилдан буён тўпланган 586 номдаги газета-журнал, 287 дона XIX асрга оид қадимий ноёб адабиётлар ҳамда Марказий Осиё ва юртимизда яшаб ижод этган аждодларимизнинг қиймат-баҳо асарлари сақланмоқда. Кутубхона бой китоб фондига ва замонавий компьютер базасига эга бўлса-да, Нукусдаги шаҳар ва қишлоқ лойиҳа-тадқиқот институтининг биринчи ва учинчи қаватларида ижарада фаолият кўрсатмоқда. Институтга кутубхона йилига 2,4 миллион сўм миқдорида ижара ҳақи тўлайди. Бундан ташқари, республика болалар кутубхонаси ҳам ижара бинода бўлиб, улар йилига 2 миллион сўм тўлаб келмоқда.

Шу ўринда китобнинг болалар тарбиясида, миллат тақдирида, тарихида тутган аҳамияти ҳақида ўйлаб кўрайлик. Тарбиямиз, қадриятларимиз, маънавий меросимиз, тарихимиз билан боғлиқ бебаҳо бойликка нега бунчалик эътиборсиз қараяпмиз?

— Маблағ етишмаслиги сабаб республика кутубхонаси 2002 йил мобайнида 662 та, шу йилнинг ўтган 6 ойида эса 143 та китоб сотиб олган ҳамда 30 та журнал, 31 номдаги газеталарга обуна бўлишган. Филиалларимизни қўшиб ҳисоблаганда 443 та кутубхона бор, — дейди республика кутубхонаси директори Гулистон Абдуллаева. — Ҳозирда шундан 17 та марказлашган, 11 та туман, 36 та шаҳар ва 45 та болалар кутубхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг кўпчилиги капитал ва жорий таъмирга муҳтож. Биз барча имкониятларни ишга солганимизда ҳам ушбу ҳолатни яхшилаш йўлини тополмаяпмиз.

Ҳозирда республика кутубхоналарининг умумий фонди 4 миллион 545079 тани ташкил қилиб, шундан 2515800 китоб овуллардаги кутубхоналарда. Лекин уларнинг айримларида китобхонлар кўпайиш ўрнига камайиб кетаяпти. Бунинг боиси қизиқарли адабиётлар камлиги, газета-журналларга обунанинг яхши ташкил қилинмаганлигидадир. Энг ачинарлиси, ўтган йили республика бўйича 10 минг 238 дона, шу йилнинг ўтган 6 ойида эса 3 минг 184 номдаги китоб сотиб олинган холос.

— Нукус шаҳрида битта марказлашган кутубхона, унинг 12 та филиали бор, — дейди марказий кутубхона бош услубчиси Гулзина Файзуллина. — Кейинги йилларда кутубхоналарни кўчириш, яъни ўз жойига эга бўлмаган шаҳобчаларнинг у ердан-бу ерга кўчиб юриши одатга айланиб қолди. Масалан, Ресپо посёлкасидаги кутубхона бунга мисол бўла олади. Кутубхона бир йилда бир неча жойга кўчирилди. Марказлашган кутубхона ўтган йили бор-йўғи 6 ойликка, жорий йилда эса зўрға ярим йилга газета-журналларга обуна билан чекланди. Кутубхона филиаллари 2 йилдан бери бир дона ҳам газета-журналга ёзилмади.

— Ҳақиқатан ҳам кутубхоналар талаб даражасида эмас, — дейди Кегайли туман маданият ишлари бўлим мудири Анвар Оспанов. —Уларнинг кўплари мактаб ва бошқа ташкилотларнинг ичида бир хонада жойлашган. Ўқув заллар деярли йўқ, борлари қишда совуқ.

— Ўтган йили 860 та, шу йилнинг ўтган 6 ойида 44 та китоб сотиб олдик, — дейди шу тумандаги марказий кутубхона услубчиси Замира Алиева. — Кутубхонанинг 23 та филиали мавжуд. Иқтисодий қийинчилик сабаб улар даврий нашрларга обуна қилинмасдан қолди.

Нукус туманида бўлганимизда у ердаги кутубхоналарнинг кўпчилиги мактаб, болалар боғчаси, қишлоқ врачлик пунктларининг бир-икки хонасига жойлаштирилганига гувоҳ бўлдик.

Қорақалпоғистон Республикаси маданият ишлари вазири ўринбосари Шимаргул Пахратдиновадан ушбу муаммолар бўйича фикрини сўрадик.

— Тўғри, кутубхоналаримиз ижара бинода, — дейди у. — Уларнинг кўплари капитал, жорий таъмирлашга муҳтож, қишда иситиш воситалари ишламайди. Уларни янги адабиётлар билан бойитиш, газета-журналларга етарли даражада обуна қилиш, буларнинг бари маблағга боғриб тақалмоқда.

Вазирлик кутубхоначиларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Ҳар йили 8-10 нафар ходим Тошкент давлат маданият институтида малака оширади. Бу яхши, албатта. Аммо бозор иқтисодиёти шароитида пойтахтга бориб-келиш ортиқча сарф-харажатни талаб этади. Шуни ҳисобга олиб бу ишлар шу ернинг ўзида ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўларди. Бундан ташқари марказий кутубхоналар транспорт, библиобуслар билан таъминланмаётганлиги ҳам кутубхоналар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

МУҚОВАСИ ЯРОҚСИЗ КИТОБЛАРНИ КИМ ТАЪМИРЛАЙДИ?

— Вилоятимизда жами 700 дан ортиқ оммавий кутубхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шундан 3 таси илмий-оммабоп, 38 таси болалар, 80 таси шаҳар, 16 таси марказлашган ва 657 таси қишлоқ кутубхоналари ҳисобланади, — дейди Самарқанд вилоят кутубхонаси бош директори Шаҳодат Аҳмедова. — Ўтган йил натижаларига кўра, вилоятдаги кутубхоналарнинг китоб жамғармаси 56197 нусха. Шундан ўзбек тилидагилари 30292 рус тилидаги адабиётлар 24716 тани ташкил этади. Бугун, бир аччиқ ҳақиқатни очиқ айтишимиз лозим, китобхонлар сони тобора камайиб бормоқда. Албатта, бу муаммонинг олдини олиш борасида ташкилий-услубий тадбирлар ишлаб чиқилиб, зарур вазифалар амалга оширилмоқда.

Кутубхоналарнинг китоб жамғармасини бойитиш ҳам қониқарли даражада эмас. Янги адабиётлар хариди 2002 йилда 17 мингтани ташкил этган, холос. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, Иштихон туманида бор-йўғи 100 дона, Қўшработда 110 та, Ургутда 123 дона янги адабиёт харид қилинган.

Иштихон, Пахтачи, Тойлоқ каби туманларда китобларни ҳисобдан чиқариш йўриқномасидан тўғри фойдаланилмаслиги оқибатида анчагина китоблар ташлаб юборилган. Кутубхоналар жамғармасида ўзбек тилидаги адабиётлар камайиб бораётганлиги ачинарли ҳол, албатта. Шунингдек, яроқсиз ҳолатга келган китобларни муқовалаш, таъмирлаш устахоналарининг йўқлиги ҳам муаммо бўлиб турибди.

Тўғри, Самарқанд шаҳри кутубхоналаридаги аҳволдан қониқиш ҳосил қилса бўлади. Биргина Пушкин номидаги кутубхонанинг ўзида 10 та бўлим фаолият кўрсатиб, 2002 йил натижаларига кўра 31142 нафар киши кутубхона хизматидан фойдаланган. Китобхонлар учун яхши шароит яратилган. Интернетга уланган компьютер ахборот маркази доимий фаолиятда. Шунингдек, Германия элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган немис маданияти ўқув зали доимо ёшлар билан гавжум.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ

МУТАХАССИС МУАММОСИ

Бугун Жиззах вилоятида 263 та кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Шундан 215 таси қишлоқ кутубхоналари. Биз қишлоқ кутубхоналаридаги аҳвол, китобхонларга хизмат кўрсатиш даражаси билан қизиқдик.

— Очиғи, қишлоқ кутубхоналарининг аҳволи анча ночор, — дейди Шароф Рашидов номли вилоят илмий-оммабоп кутубхонаси директори Сайфулла Ибрагимов. — Чунки жойлардаги шаҳар ва туман маданият ишлари бўлимлари ўз ҳисобида бўлмаган кутубхоналарни таъмирлашга маблағ ажратишмайди. Шунга қарамасдан ҳомий ташкилотларнинг кўмаги билан қишлоқ кутубхоналарининг китоб жамғармасини бойитиш, китобхонлар учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасида ҳаракат қилиняпти. Бу борада Фориш, Пахтакор, Мирзачўл, Баҳмал туманларида қилинаётган ишларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Афсуски, вилоятнинг бошқа туманларидаги кутубхоналар ишидан қониқиш ҳосил қилиш қийин. Дўстлик, Зарбдор, Ғаллаорол, Арнасой, Янгиободдаги кутубхоналарда ўзибўларчилик, лоқайдлик, масъулиятсизлик ҳукм сурмоқда. Китоблар чанг босиб ётибди. Бир кун очилса, уч кун очилмайди. Тор ва қоронғи хоналарда китоб, газета-журналларни ўз ҳолидай сақлашнинг имкони ҳам, иложи ҳам йўқ. Улар кўмакка муҳтож ва ёрдамталаб аҳволга келган.

— Кутубхоналарни ўз ишига меҳр қўйган, малакали, етук мутахассис кадрлар билан таъминлаш борасида ҳам камчиликлар кўп, — дейди Фориш туман марказий кутубхонаси мудири Маҳмуд Норқозоқов. — Масалан, Арнасой, Зарбдор, Янгиобод туманларидаги кутубхона ходимлари орасида биронта ҳам олий маълумотли мутахассис йўқ, ўрта махсус маълумотга эга бўлганлари саноқли эканлиги ташвишли ҳол эмасми?

Вилоят бўйича кейинги йилларда қишлоқ кутубхоналарида мавжуд китобларнинг сони эса 115 мингтага камайиб кетганига нима дейсиз? Ёки кейинги ўн беш йил ичида вилоятда кутубхона учун лоақал битта бино қурилмагани-чи? Нима, Жиззахда қурилишлар тўхтаб қолганми? Йўқ, албатта. Бу ерда ҳар йили ўнлаб замонавий бинолар қад ростлаяпти, катта ҳажмда ободончилик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилаяпти. Қанийди, шунча ишларни қилаётган, уддалаётган раҳбарлару тадбиркорлар туман ёки шаҳар марказида кутубхона учун жилла қурса биттагина бинони қуриб қўйишса... Бу билан улар энг эзгу ва хайрли ишга қўл урган бўлишарди?

— Қишлоғимизда кутубхона йўқ, — дейди Дўстлик туманидаги Бунёдкор қишлоғида яшовчи фермер Эшмурод Шоймардонов. — Бир пайтлар муҳташам маданият саройимиз, китобларга тўлиқ кутубхонамиз бўларди. Ҳозир сарой қаровсиз. Эгасиз қолган бинога қараб ачинасан киши. Кутубхонанинг таг-туги билан йўқолиб кетганига эса анча бўлди. Китоб ўқигимиз келса йигирма-ўттиз чақирим йўл босиб, туман марказига боришга мажбурмиз. Энди ўзингиз ўйланг: бугун кутубхонасиз қишлоқни тасаввур қилиб бўладими? Янги замонавий кутубхоналар ҳақида телевизорда кўриб, газеталарда ўқиб қоламиз. Кутубхоналарда ҳатто замонавий компьютер хоналари ҳам мавжуд бўлиб, интернет тармоғи орқали шу ернинг ўзида дунёдаги машҳур кутубхоналар билан боғланиб, янги хорижий адабиётларни ҳам ўқиш имкони бор экан. Қанийди, қишлоғимизда ҳам ана шундай кутубхоналар қурилса.

— Шу йилнинг биринчи ярмида вилоят бўйича 4 миллион сўмлик ёки 3600 дона китоб олдик, — дейди Сайфулла Ибрагимов. — Бу озми ёки кўп? Бир қарашда жудаям кам кўринади. Лекин олдинги йиллар қиёслайдиган бўлсак, ёмон эмас. Ҳозир кутубхоналаримизда бир миллион 756 мингта китоб бор. Улардан ҳар куни минглаб одамлар фойдаланишмоқда. Шунинг ўзиёқ ишимизнинг зарур ва фойдали эканлигидан далолат бермайдими?

Яна бир гап. Бугун вилоят кутубхонаси ҳам мослаштирилган бинода жойлашган ва анча таъмирталаб бўлиб қолганки, буни ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Шундай бўлса-да, аҳил жамоа яхши ишлар қилаяпти чоғи, яқинда Очиқ Жамият Институти Кўмак жамғармасининг грантини қўлга киритди ва компьютер, нусха кўчириш мосламалари, бибтехникаларга эга бўлди, интернетга уланди.

Вилоятда кўмакка муҳтож қишлоқ кутубхоналари фаолиятини ҳам жонлантиришнинг имкониятлари бор, албатта. Бунинг учун ҳоҳиш, эътибор, изланиш керак бўлади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

ЗИЁ МАСКАНИ, ТАРҒИБОТ БЕШИГИ

Донишмандлардан бири «Ҳақиқатни астойдил яхши кўрмасдан уни тан олиш мумкин эмас» деган эди. Биз юқорида республикамиздаги баъзи вилоят кутубхоналарининг бугунги аҳволи ҳақида мулоҳаза юритдик. Мақсад кимнидир танқид қилиш эмас, раҳбарлар эътиборини мавжуд муаммоларга қаратишдир. Бу масаланинг биринчи томони.

Биз маърифатли халқмиз, аждодларимиз ҳам ўз ҳисобларидан мадрасалар қурганлар, мактаблар, қироатхоналар очганлар. Бу миллий анъана, удумларимиз бугун ҳам уйғоқ. Мамлакатимизда бугун ҳам саховатпеша инсонлар оз эмас. Улар ёрдамида жойларда кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бизнингча, кутубхона қурган одам ҳам фақат савобга қолади, эл-юрт раҳматига сазовор бўлади.

Кутубхоналар миллий истиқлол ғоясининг тарғибот бешиги, халққа маърифат йўлини кўрсатувчи зиё эшигидир. Бугун китоб сотиб олишга, даврий нашрларга обуна бўлишга ҳаммамнинг ҳам имконияти тўғри келмаслиги мумкин. Шундай ҳолатда ўқувчи кутубхонага мурожаат қилади, газета тахламларини варақлайди, янги асарлар ўқийди... Одамларни, болаларни шундай имкониятдан бебаҳра қилишни нима деб аташ мумкин.

(Материалларни Фаррух ҲАМРОЕВ, Зайниддин МАМАДАЛИЕВ тайёрлади)

ТАҲРИРИЯТДАН: ***Назаримизда мухбирларимиз кўпчиликни ўйлантириб, ташвишга солиб келаётган долзарб мавзуни кўтаришди. Китоб қандай неъмат, кутубхона қандай маскан эканлигини қанчалик чуқур англасак, бу мавзу моҳияти қадрига шунчалик етамиз.***

Очиқ айтиш керак, кимгадир ёқиб, кимгадир ёқмайдган мавзулар бўлади, муаммо бўлади. Баъзан муросаю мадора қилишга ҳам тўғри келади. Аммо гап миллат маънавияти, маърифати ҳақида кетганда сукут сақлаш, муросасозлик қилиш гуноҳ эмасми, жиноят эмасми, хиёнат эмасми деган хаёлга борасан киши.

Тўғри, раҳбарлар орасида маънавият ва маърифат соҳасига эътибор қаратаётганлари тобора кўпайиб бормоқда. Бир мисол, Қашқадарё вилоятининг янги ҳокими дастлабки ишлардан бири сифатида Қарши шаҳрида хароб бўлиб ётган вилоят кутубхонасини бориб кўрди, ижодкорларни тўплаб, уларнинг дардларини эшитди, кутубхонани таъмирлашга маблағ ажратилди, беш миллион сўмлик янги китоблар сотиб олинди, 32 та компьютер олиб берилди, дунё кутубхоналари билан электрон почта орқали уланди. Ҳокимнинг дастлабки ишларидан яна бири — мактаблар аҳволи билан танишди... «Болалар спорти ривожланган энг яхши туман» учун танлов эълон қилди.

Афсуски, аччиқ бўлса-да очиқ айтиш керак, хўжалик, туман, вилоят раҳбарлари орасида ҳали-ҳануз фикри-зикри фақат пахта майдони, ҳосил кўрсаткичи, чорва сони билан боғлиқ бўлиб қолаётганлар йўқ эмас. Мактабларга кам борилади, маърифат, маънавият, маданият ишларига иккинчи даражали вазифа сифатида қаралади. Кутубхона нима эканлиги, борми-йўқлигига мутлақо эътибор бермай қўйган раҳбарлар бор.

Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Расмиятчиликдан холи, очиқ мулоқот тарзида ўтган бу мажлисда санъат соҳасидаги камчиликлар ҳамда муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида дангал айтилди.

Энг муҳими, Миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишда маданият ва санъатнинг аҳамияти бебаҳолиги ҳар бир нотиқнинг сўзида таъкидланди. Айни чоғда кутубхона ҳам истиқлол ғоясини тарғибот-ташвиқот қилишда, маънавий-маърифий тарбияда муҳим восита ҳисобланади.

Кутубхонанинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётимизда тутган ўрни, муқаддаслигини ҳисобга олиб, мавзуни давом эттирамиз. Энг аввало газетхонларимизга мурожаат қилмоқчимиз: Сиз яшайдиган қишлоқда, маҳаллада кутубхона борми, бор бўлса аҳволи қандай?

Шунингдек, кутубхоначи, мутахассис ва олимларимиз, барча газетхонлардан ушбу масала бўйича фикр-мулоҳазаларини кутамиз.



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Тошкент шаҳар клиник болалар шифохонаси фарзандларимиз саломатлигини тиклаш йўлида хизмат қилиб келаётган масканлардан бири ҳисобланади. Бугун бу ерда юздан ортиқ малакали врач ҳамда 300 нафарга яқин ўз ишининг фидойиси бўлган ҳамширалар беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Мазкур шифохонада болаларда учрайдиган турли хил касалликларни даволаш, ҳатто мураккаб жарроҳлик операциялари ҳам ўтказилади.

❖❖❖

Суратларда: Бўлим мудири, олий тоифали болалар шифокори Маҳбуба Рустамбекова ва ҳамшира Насиба Нурмуҳамедова беморни кўздан кечирмоқдалар; Бир гуруҳ ҳамширалар.

Анжуман

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУҲИМ ИНСТИТУТИ

Маълумки, ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири саналади. Унинг демократлашиб, такомиллашиб бориши фуқаролик жамиятига ўтишни янада тезлаштиради.

Республика «Маҳалла» жамғармасида Конрад Аденауэр, Фридрих Науманн жамғармалари билан ҳамкорликда ташкил этилган «Обод маҳалла йили: натижа ва истиқболлар» номли ўзбек — олмон халқаро конференциясида ўзини ўзи бошқариш органларининг такомиллашуви жараёнида юзага келаётган назарий ва амалий муаммолар таҳлил этилди. Шунингдек, илғор мамлакатлар тажрибалари, Германия конституцияси ва қонунчилигида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг демократик қадриятлари мустаҳкамланиши ва бошқа мавзуларга доир маърузалар муҳокама этилди.

Анжуманда «Маҳалла», Конрад Аденауэр, Фридрих Науманн жамғармалари, Германиянинг юртимиздаги элчихонаси, Саксониянинг Бошқарув ва иқтисод академияси, Давлат ва жамият қурилиши академияси, турли давлат ва нодавлат, халқаро ташкилотлар, ОАВ вакиллари, маҳалла оқсоқоллари иштирок этдилар.

Беҳзод ШУКУРОВ

ХДПНИНГ 12 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида Халқ демократик партияси ташкил топганининг ўн икки йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ХДП Сирғали туман кенгаши ташаббуси билан ўтказилган бу тадбирда, турли ташкилот ва идораларнинг вакиллари иштирок этдилар, мустақиллик фарзанди бўлмиш, Ўзбекистон Халқ демократик партияси босиб ўтган йўл, кўппартиялилик шароитида унинг аъзолари фаолиятини янада фаоллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар. Театр жамоасининг саҳна кўринишлари тадбир қатнашчиларига манзур бўлди.

Ориф ЖУМАНОВ

Кучли давлатдан — кучли жамият сари

ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА САЙЛОВЛАР:

УЛАР ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мақоми, сайлаш-сайланиш шартлари, тартиб, ваколатлари белгиланган. «Шаҳар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади». Шунингдек, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасида фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва раис маслаҳатчилари 2,5 йил муддатга сайланиши кўрсатилган.

Хўш, ваколатлари қонун билан мустаҳкамланган фуқаролар йиғинининг раислари ва унинг фаоллари қандай тартибда сайланади? Агар шу йил ноябрь, декабрь ойларида республикадаги маҳаллаларда сайлов ўтказилишини эътиборга олсак, ушбу масала янада долзарб эканлигини англаш мумкин. 2003 йил 6 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорда фуқаролар йиғинлари раислигига туман ва шаҳарлар ҳокимликларига «ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга эга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифаларни, шу жумладан, мазкур органларга давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич ўтказилиши муносабати билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга қодир шахслар орасидан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар танлашда кўмаклашиш» топширилган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида ҳозир янги шароитда ишлай оладиган одамларни танлаш тадбирлари маҳаллаларда қизғин давом этмоқда.

«XXI аср маҳалласи» концепциясида таъкидланганидек, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) этиб сайланувчи шахс, қоида тариқасида, олий маълумотли бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, раҳбар лавозимида иш тажрибасига, етарли даражада билимларга, ватанпарварлик туйғусига, аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга эга бўлмоғи, ташаббускор ва мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар шароитида ишлашга қодир бўлмоғи зарур.

Кўриниб турибдики, маҳалла раислигига сайланадиган шахс ҳар томонлама муносиб, шу билан бирга олий маълумотли бўлиши зарур.

Маҳалла йиғини раислигига номзодларни маҳалла ишчи гуруҳлари танлайди. Маҳаллада тузилган ишчи гуруҳи 5-7 кишидан иборат бўлиб, маҳалланинг кўча ва даҳа бошлиқлари таркибидан белгиланади. Улар бажарган ишлари юзасидан маҳалла бошқарувига эмас, балки туман комиссияси (ишчи гуруҳи)га ҳисоб беради. Белгиланган тартибга кўра, маҳалла комиссияси маҳалла фуқаролари ёрдамида икки ва ундан ортиқ номзодни аниқлаб, улар билан суҳбат ўтказади ва аҳолининг ўша номзодлар тўғрисидаги фикрларини олади. Сўнгра қарор қабул қилиб, ҳар бир номзод учун махсус сўровнома, таржимаи ҳол тўлдирилади, кейин уларни номзод сурати билан туман комиссиясига топширади.

Баъзи шахслар маҳалла ишчи гуруҳини айланиб ўтиб, ўз ҳолича номзодлик ҳужжатларини туман комиссиясига ёхуд ҳокимиятдаги масъул ходимларига топширади. Бу белгиланган тартибга зид, нотўғри ҳаракат ҳисобланади. Туман, шаҳар ҳокимиятидагилар ҳам бундай ҳужжатларни қабул қилишга ҳақи йўқ. Улар ҳужжатларни фақат белгиланган маҳалла ишчи гуруҳидан қабул қилиши керак.

Маҳалланинг ҳисобот — сайлов йиғини бўладиган кун камида бир ҳафта олдин ёзма равишда эълон қилинади. Ҳисобот сайлов йиғилишига маҳалланинг 4-6 минглаб аҳолисини таклиф этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир кўча ёки тор кўчадан маҳалла йиғинига вакиллар сайланади. Бунда маҳалла йиғини вакилларининг умумий сони ҳар бир маҳаллада тахминан 60-100 киши атрофида бўлади. Маҳалла ҳисобот йиғини ўша вакиллар иштирокида ўтказилади. Фақат улар берган овозлар ҳақиқий ҳисобланади. Маҳалла ҳисобот — сайлов йиғинини туман ва маҳалла ишчи гуруҳи вакиллари бошқаради.

Баъзан шундай ҳисобот — сайлов йиғинларида вакиллик ҳуқуқига эга бўлмаган маҳалла фуқаролари ҳам қатнашиб, номзодга овоз берадилар. Бу сайловни сохталаштиришга, таниш-билишчилик ва қариндошуруғчиликка олиб келади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Ўзини ўзи бошқариш органи раиси ёки раис бўлмаган ҳолда унинг маслаҳатчиларидан бири 2,5 йиллик иш юзасидан ҳисобот беради.

Ҳисобот тугагандан кейин тафтиш комиссияси маҳалла молиявий фаолиятига, оқсоқолнинг иш фаолиятига баҳо беради. Шундан сўнг муҳокама бошланади, савол-жавоб бўлиб ўтади. Бу жараёнлар сўнггида маҳалла йиғинининг, тафтиш комиссиясининг ҳисоботи қониқарли ёки қониқарсиз, деб баҳо берилади.

Агар маҳалла йиғини раисининг ҳисоботи қониқарсиз, деб топилса, унинг номзоди овозга қўйилмайди.

Кун тартибидаги иккинчи масала — ўзини ўзи бошқариш органи йиғини раиси ва унинг фаолларини сайлашга ўтилади. Дастлаб номзодлар ўз дастурлари билан таништирилади, сўнгра улар овозга қўйилади.

Мажлис қатнашчиларининг ярмидан кўп овозини олган номзод фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи йиғинининг раиси (оқсоқоли) этиб сайланади.

Раис сайлангач, йиғилишни ўзи бошқаради ва унинг тавсияси билан маҳалла раиси маслаҳатчилари, тафтиш комиссияси аъзоси ва котиб сайланади. Янги сайланган раис тавсияси билан маҳалланинг эски таркиби қолдирилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Биз фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари йиғини ҳисобот-сайлов жараёнининг мукаммалроқ баён қилишимизнинг асосий сабаби шундаки, ҳали республикамизда ҳисобот-сайлов ҳуқуқий нормаларини белгиловчи меъёрий ҳужжат йўқ. Кўп жойларда бу масалага юзаки муносабатда бўлиб, йиғинни сохталаштиришга йўл қўядилар. Натижада муносиб номзод ўрнига тасодифий одам сайланиб қолиш ҳолатлари учрайди.

Бундай ҳолат маҳаллага жуда қимматга тушади. Масалан, Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси маълумотларига кўра, 2001 йилда ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган сайловларда 48 ҳолатда кўрсатилган номзодлар етарли овоз ололмаган. Натижада қайта сайловлар ўтказилган. 75 ҳолатда ўзини ўзи бошқариш органининг ҳисоботи қониқарсиз, деб топилган. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида сайланганларнинг қарийб 30 фоизи ўрта маълумотли шахслардан иборат бўлган.

Бу рақамлар ўзини ўзи бошқариш органларига номзодлар танлашда муайян камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, тушунтириш ишлари етарли эмаслиги, шаҳар ва туман ишчи гуруҳлари ўз ишларига масъулият билан ёндошаолмаганлигини кўрсатади.

Бизнингча, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига кадрлар танлаш ва уларни тайёрлаш ўта масъулиятли вазифалар жумласига киради. Юқорида маҳалла раис (оқсоқол)лигига номзод танлаш тўғрисида қисман тўхталиб ўтдик. Айни вақтда уларни тайёрлаб, ўқитиб бориш ҳам муҳим тадбирлар туркумига киради.

Тошкент шаҳар туманларида мустақиллик йилларида маҳаллалар сони қарийб икки баробарга ошди ва 450 тага етди. Ҳозир республикамизда 9782 га яқин ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатмоқда, шундан 1412 таси жамоатчилик асосида ишлайди. Агар ҳар бир маҳаллада камида ўнлаб масъуллар ва штатдаги ходимлар, шунингдек республика, вилоят, туман Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаларида меҳнат қилаётганларни эътиборга олсак, бу соҳа бошқарувида кўплаб мутахассислар фаолият кўрсатаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Аммо олий ёки махсус ўқув юртларида уларнинг ўқуви ташкил этилган эмас. Ваҳоланки, «XXI аср маҳалласи» концепциясида академиялар, олий ўқув юртлари ҳузурида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг мутахассислар тайёрлаш рўйхатига киритиш, алоҳида факультетлар, илмий-тадқиқот бўлимлари очиш кўрсатиб ўтилган. Мана икки йилдан ошдики, бу борада сезиларли силжиш кузатилмади.

Тўғри, «Обод маҳалла йили» дастурида бу йил Республика Маҳалла жамғармаси, Адлия вазирлиги, Тошкент Давлат юридик институти ва Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ҳамкорликда маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчилари учун машғулотлар ташкил этилди. Унда маҳалла раислари (оқсоқоллари) 30 соатлик, маҳалла хотин-қизлар комиссия раислари 16 соатлик, маҳалла педагог-тарбиячилари ва посбонлар сардорлари 28 соатлик, маҳалла котиблари 12 соатлик машғулотларда ўз ҳуқуқий билимларини оширмоқдалар. Бу фуқаролик жамияти ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга йўналтирилган бир қадам бўлди.

Аммо бу республикадаги кўп сонли ўзини ўзи бошқариш органлари тизими учун етарли эмас.

Демак, олдинда турган асосий вазифа — фуқаролик жамияти учун кадрлар тайёрлашни барқарор таълим тизимига киритиш ва бу борада тадқиқот ва таҳлиллар ўтказиш ишларини йўлга қўйиш, ўзини ўзи бошқариш органлари тузилмасини янада ривожлантириш, унинг нуфузини бўшириш имкониятини беради. Шундагина маҳаллаларимиз инсон манфаатларини, унинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини тўла рўёбга чиқаришга кўмаклашувчи ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик масканига айланади.

Марат ҒУЛОМОВ,
юридик фанлари номзоди, доцент,
Содиқ МЎМИНОВ,
тарих фанлари номзоди

Мулоҳаза

ЖУРНАЛИСТ СЎЗИНИНГ САЛМОҒИ

ЁКИ МАТБУОТИМИЗНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИГА БИР НАЗАР

Мустақиллик шарофати билан ҳурфикрлилик, сўз эркинлиги дарвозалари барча учун баробар очилди. Илгари бу дарвозалар ёнида етти ёт бегоналар посбон эдилар. Уларга яқин йўлаган ёки ичкарига кирмоқчи бўлган киши борки, қаттиқ ҳамлага учраши аниқ эди. Энди бу дарвозалардан ватаннинг ҳар бир кишиси қўрқмасдан ичкарига кираяпти, эмин-эркин нафас олиб яшаяпти.

Мустақиллик, эркинликни мен энг аввало, сўз, демак тафаккур ва матбуот эркинлиги деб биламан. Чунки, эркин сўз руҳ ва онг эркинлигини, тафаккур эркинлигини ифода этади. Бу ёруғ оламда мустақил давлат барпо этиб, шу давлатда умргузаронлик қиламан деган киши энг аввало мустақил фикрлай оладиган, эркин мушоҳада юрита оладиган бўлиши керак.

Истиқлол йилларида матбуотнинг вазифаси тубдан ўзгарди. Журналистларимиз дунёқараши ҳам бугун кечагидан бутунлай фарқ қилади. Миллий истиқлол ғояси талабида фикрлайдиган журналистларимиз ҳам, нашрларимиз ҳам кўпаймоқда. Бунга кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

Афсуски, замон талабларига жавоб бермайдиган нашрлар, ҳали-ҳануз янги даврга мослашолмай, дунёқараши, иш услуби ўта секинлик билан ўзгараётганлар ҳам оз эмас. Шу ўринда атоқли адиб ва публицист Абдулла Қодирийнинг бир гапи ёдга тушади: «Яхши билиш керакким, қалам — ўқлоғи ва матбуот — кетмон бозори эмас. Йўсинсиз равишда хотирга келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат эмасдир. Сўз — қолип, фикр унинг ичига қуйилган ғишт бўлсин. Кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин! Замон ўзгарадир, ишлар янгарадир... Матбуот саҳифаси ва адабиёт саҳналаригагина эмас, ҳаётнинг ҳар бир соҳасига чурик-чориқ, латта-путта ёзғанлар раҳмсиз суратда супирилиб, аксар кўплари жувоз ҳайдашга қоладир!»

Бундай юксак талабни матбуот ходимлари, журналистларга бугун ҳам қўйиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Мустақиллик ғояси, миллий мафкура асослари, умуман маънавий-маданий тараққиётимизни оммага етказиш учун фидойи бўлиб хизмат қилиш, Ватан тараққиётига ҳисса қўшишни ҳаммамиз ҳам ўйлаяпмизми? Ватанпарвар журналистларимиз кўп. Аммо куним ўтса бўлди, қабилида ишлаётганлар ҳам оз эмас.

Мен бирор таҳририятда ишламайман. Бироқ, шахсий кузатишларимиз асосида айрим мулоҳазаларни билдирмоқчиман:

— Журналистнинг касб малакаси ва сиёсий маданиятини янада ошириш устида ўйлаб кўриш керак;

— Шунингдек, газетанинг ташқи қиёфаси, мақолаларни жойлаштириш, ҳарфларни танлаш, расмларни бериш, бадиий безаш масалаларида ҳам юзакичилик кўзга ташланади. Айрим рукнлар газетадан-газетага кўчиб юради;

— Газеталарнинг бир-бирига «ўхшашлик масаласи» ҳозирги пайтда назаримда, энг долзарб масала. Ҳар нашр ўз юзига, ўз йўналишига, ўз мавзу доираларига эга бўлиши шарт. Лекин амалда бундай бўлмаётир.

— Айрим нашрлар ўз мавзуси қолиб бошқа мавзулар кетидан чопади. Айрим мустақил нашрлар эса олди-қочди, ёлғон-яшиқ, баъзан эса миллий қадриятларимизга мутлақо ёт нарсалар билан тўлиб чиқмоқда.

— Газеталар таҳририятларида кўпгина журналистлар кўчиб юрадиган бўлиб қолишган. Муҳаррир қаттиқ гапирса бўлди, шартта бошқа таҳририятга ўтиб кетаверади. Нашр кўп, кадр кам.

Шу ўринда яна бир фикр: Журналист кадрлар тайёрлаш масаласи назаримда янада жиддийроқ эътиборни талаб этади. Учта университет: Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон тиллари университети, Қорақалпоғистон Давлат университетида журналистика факультетлари фаолият кўрсатмоқда. Афсуски, университетларни тамомлаб келаётганларнинг аксарияти мухбир сифатида иш бошлай олмайди.

Бош муҳаррирлар ходимларни танлаш, уларга шарт қўйиш имконига эга бўлиши учун кадрларнинг ўзи бўлиши керак. Бўлганда ҳам билимли ва маҳоратли, фидойи журналистлар керак. Демак, хоҳлаймизми-йўқми, матбуотнинг юзи, кўзи, кучи кадрларга бориб тақалади. Бу эса бизни ўйлашга, изланишга даъват этади.

Оммавий ахборот воситаларининг жамият тараққиётида тутган ўрни, журналист сўзининг салмоғи, матбуотнинг келажаги ҳақида гап кетганда Юртбошимизнинг қуйидаги сўзларини эслаш ўринли деб ҳисоблайман: **«Шуни мамнуният билан айтаманки, истиқлолнинг ўтган даврида, — деб қайд қилдилар Ислом Каримов, — журналистларимизнинг ҳам тафаккури, дунёқараши ўзгарди. Матбуотимиз тобора миллий шакл, миллий мазмун, миллий қиёфа касб этиб бормоқда.**

Янги XXI аср ақл-идроқ, маънавият ва тафаккур асри-соғлом мустақил фикр, соғлом ғоя, умуминсоний қадриятларга таянган тафаккур тантана қиладиган ахборот асри бўлади. Ана шундай пайтда ҳаётимизда матбуотнинг роли яна ҳам ошади. Унинг вазифаси ва жамият олдидаги масъулияти кенгаяди. Журналист сўзининг салмоғи ошади. Шундай экан матбуотимиз ўзининг иқтидорини, кучқудратини, бутун салоҳиятини, тажрибаларини бойитиб бориши шубҳасиз».

Карим НОРМАТОВ
профессор.



Англиядаги кўҳна Стоун-Хенж осори-атиқалари

МАМНУНЛИК БИЛДИРДИ

БМТнинг Атом энергияси бўйича халқаро агентлиги (МАГАТЭ) раҳбарияти ўз ядровий фаолиятини тўхтатганлиги ҳақидаги ҳисоботни тақдим этганлиги учун Эрон ҳукуматидан миннатдор эканлигини билдирди, дейилади БМТ кузатувчилари берган манбааларга асосланиб тарқатилган BBC News сайтидаги ахборотда.

МАГАТЭ директори Муҳаммад Ал-Барадейнинг таъкидлашича, ҳисобот бир қарашда гўё ҳамма ишлар рисоладагидек тасаввур уйғотади. Аммо инспекторлар кўнглида ҳали жавоби аниқланмаган саволлар бор. Хусусан, Эрон корхоналарининг биридан топилган бойитилган уран излари фактининг жавоби ҳали аниқланиши лозим.

Бундан ташқари расмий Теҳрон Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшимча равишда тузилган далолатномани имзолашга розилик билдирган. Бу эса БМТ қошидаги МАГАТЭ инспекторлари Эрон ҳудудида ядро текширувчиларини ўтказишга имкон яратади.

Тақдим этилган ҳисобот ва аниқланган ахборотлар бўйича якуний хулоса МАГАТЭ бошқарув кенгашига 20 ноябрда ҳавола этилади.

РУХСАТ БЕРИЛДИ

Сиёсий бошпана беришларини сўраб Буюк Британия маъмуриятига уч йил аввал мурожаат этган 15 мингдан ортиқ оила эндиликда мазкур мамлакатда чегараланмаган муддатга қолишлари мумкин. Бу ҳақда Буюк Британия ички ишлар вазири Дэвид Бланкет Sky News телеканалига маълум қилди.

САЙЛОВОЛДИ КАМПАНИЯСИ

«Новости» агентлигининг хабар беришича, Япония парламентининг қуйи палатасига умумий сайловлар шу йилнинг 9 ноябрига белгиланган. Ҳозир номзодларнинг 12 кунлик сайловолди кампанияси давом этмоқда. Бу жараён ўтган сешанбадан бошланган.

Аввалги сайловда қуйи палатанинг 480 депутатлик ўрнидан кўп қисмини қўлга киритган Либерал-демократик партия (ЛДП) бу сафар ҳам ғолибликни қўлга киритолдими-йўқми, буни вақт кўрсатади. Ҳозир бу партияга асосий рақобатчи Наото Кан бошчилигидаги Япония демократик партияси(ЯДП)дир. Мамлакатда йирик муҳолифатчи саналмиш бу партия сайловларда кўпроқ овоз олиш учун ўтган ойда Либерал партия билан бирлашган эди.

Токио шимолидаги Сайтам префектурасида аввалги якшанба куни парламент юқори палатаси учун бўлиб ўтган қўшимча сайлов натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кураш жуда оғир кечади. Негаки, Либерал-демократик партия қийинчилик билан ғалабани сақлаб қолган, яъни Япония Демократик партиясидан атиги 0,9 фоиз кўп овоз олишга эришган холос.

Ҳозир қуйи палата депутатлигига 1200 нафар номзод рўйхатдан ўтказилган. Япония амалиётидаги тартиб-қоидага кўра, 300 депутат бир мандатли округлардан сайланса, қолган 180 нафари унга мутаносиб равишда сайланади.

Сайловларда ЛДП ва ЯДПдан ташқари Комэйто, шунингдек, коммунистлар партиялари ҳамда социал-демократлар ҳам иштирок этади.

Дарвоқе, мазкур сайловлар мамлакат раҳбарлигига Дзюньитиро Коидзуми келгандан бери (2001 йил, апрель) энди биринчи бор ўтказилади.

МАМЛАКАТНИ ТАРК ЭТМОҚДА

Ироқда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар ўтган ҳафта мамлакатда содир этилган бир қатор террорчилик актларидан сўнг бу ердаги фаолиятини тўхтатиб, мамлакат ҳудудидан чиқиб кетишга аҳд қилдилар, дея хабар беради Associated Press агентлиги.

Оқ уй маъмурияти эса уларни мамлакатда қолишга чақирди. Жумладан, АҚШ Президенти Жорж Буш ва давлат котиби Колин Пауэлл Халқаро Қизил Хоч қўмитаси раҳбариятига мурожаат этиб, уларнинг Ироқдан кетиши террорнинг ғалабасидан ўзга нарса эмаслигини уқтирди. Шунинг учун ҳам бу қўмита Ироқда ўз фаолиятини давом эттиришга қарор қилди ва фақат ходимлари сонини қисқартирадиган бўлди. «Чегарасиз шифокорлар» ташкилоти эса Бағдодни тарк этмоқчи. Шунингдек, ўтган ҳафта БМТ ҳам Бағдоддаги барча ходимларини (Ироқда ҳаммаси бўлиб 60 нафар БМТ ходими бор, шундан 20 нафари Бағдодда) олиб чиқиб кетишга қарор қилди. Бироқ, БМТнинг аниқлик киритишича, мамлакат шимолидаги вакиллари ўз фаолиятини давом эттираверадилар. Бағдоддаги ходимлар эса фақат маслаҳатлашув учун чақириладилар.

Агентлик тарқатган маълумотларга кўра, Ироқда кескин вазият сақланиб турибди. Америка ҳарбийларига Саддам Ҳусайн тарафдорлари томонидан кунда 33 мартагача ҳужум уюштирилмоқда. Ваҳоланки, бу кўрсаткич, июль ойида 12 та эди.

Ироққа доир масалалар хусусида яна шуни айтиш мумкинки, АҚШ Конгрессининг вакиллар палатаси Ироқни қайта тиклаш ишларига молиявий ёрдам бериш учун қўшимча 87 миллиард доллар маблағ ажратилишини маъқуллади. Бу ҳақда Reuters ахборот агентлиги маълум қилди.

Маблағнинг 65 миллиард доллари Пентагоннинг худди Афғонистондагидек Ироқдаги фаолиятини таъминлашга сарфланса, қолган пуллар Ироқ иқтисоди ва инфратузилмасини изга солишга ишлатилади.

Бу маблағларнинг барчаси Америка бюджетидан ажратиладиган бўлди.

Маълумки, айрим конгрессменлар ажратиладиган маблағнинг маълум қисмини Ироқ нефти сотувидан тушадиган маблағ ҳисобига қоплаш тарафдори эдилар. Бироқ, бундай бўлмади. Оқ уй бу борадаги ўз нуқтаи назарида қаттиқ турди. Шунинг учун ҳам экспертлар буни Жорж Бушнинг катта ғалабаси дея баҳоламоқдалар.

Кеча мазкур масала, яъни Ироққа маблағ ажратиш масаласи Сенатда овозга қўйилди ва кўпчилик уни маъқуллади.

МУРОСАГА ЧАҚИРДИ

Ливан ва Сурия биргаликда Исроилга қарши туришга келишиб олдилар, дея хабар беради Reuters агентлиги.

Гап шундаки, Исроил — Ливан чегарасида, аниқроғи, неча йиллардан бери тортишувларга сабаб бўлаётган Голан тепалигида ўтган ҳафта ЦАХАЛ ва «Ҳезболлах» ўртасида артиллерия отишмалари юз берган. Бу эса вазият кескинлашувига сабаб бўлмоқда. Сурия — Исроил муносабатлари ҳам худди шундай кескин тус олган.

Маълумки, шу йил 5 октябрь куни Исроил ҳарбий ҳаво кучлари Сурия пойтахтига яқин жойдаги қочоқлар лагерини (террорчилар бор, деган ўйда) бомбардимон қилган эди. Ушандан буён бу икки давлат ўртасида совуқчилик давом этиб келмоқда.

Шу важдан Сурия армиясининг бош штаби бошлиғи, генерал-лейтенант Ҳасан Туркмани Ливан Президенти Эмил Лахуд билан ҳамда юқори доирадаги ҳарбийлар билан фавқулодда учрашув ўтказган. Унда «Исроил тажовузи»га қарши кучларни мувофиқлаштириш ҳақида келишиб олинган. «Бу масала бўйича ягона доктринага эришилди» дейилади баёнотда.

Сурия армияси генерал-лейтенанти Ҳасан Туркмани ўз қўшинларини кучайтирилган жанговар шайлик ҳолатида туришга буйруқ берди. Исроил мудофаа вазири Шаул Мофаз эса буни «Дамашқ расмий уруш эълон қилишдан йироқ эмас» дея баҳолади.

Вазият шу даражада кескинлашганки, натижада АҚШ аралашувига тўғри келди.

АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Ливан, Сурия, Исроилни муросага чақирди. Бир-бирига таҳдид қилишлар фақат беқарорликни юзага келтиришини алоҳида уқтирди.

Давлатлараро муносабатлар тикланиши ва илишига жаҳон жамоатчилиги ҳам бефарқ эмас. Урушнинг олдини олиш бўйича саъй-ҳаракатлар яна давом этади.

«Обуна-2004»

ГАЗЕТА ЎҚИМАГАН РАҲБАР...

ШУ КУННИНГ НАФАСИНИ ҲИС ЭТОЛМАЙДИ, ИСЛОҲОТЛАРДАН ОРҚАДА ҚОЛАДИ.

Эҳтимол, дабдурустдан бу тариқа хулоса чиқариш нисбийдир. Лекин қамровни кенгроқ олиб қарайлик.

Аслида одамларга бу тариқа талаб ҳам қўйиб бўлмайди... Аммо... газетангиз оммавий равишда ўқилишини хоҳлайсизми, ўшанга муносиб даражада чоп этинг. Агар нашрингиз ижтимоий-сиёсий бўлса, раҳбарлар шундоқ ҳам ўқишлари табиий. Чунки, раҳбарлик фаолиятига дахлдор материаллар, ҳукумат қарорлари ҳамда бошқа расмий эълон ва хабарлар, мамлакат иқтисодиёти, ижтимоий ҳаёти ва маънавиятига алоқадор долзарб муаммолар ёритилади.

— Иш кунимни газета ўқиш билан бошлайман, — дейди «Қашқадарёавтойўл» бирлашмаси бошлиғи Қурбон Панжиев. — Газеталарда босилаётган барча мақолалардан кўнглим тўлади, десам ёлғон бўлар... Аммо ўқиса бўладиганлари оз эмас. Қолаверса, ҳар ким ўзига ёққан нашрларни ўқийди. Бу савияга ҳам боғлиқ, албатта. Масалан, мен ўндан ортиқ газета-журналларга обуна бўлганман. Улар орасида вилоят нашрларидан тортиб, республика газеталари, ҳатто Россиянинг айрим нашрларигача бор...

Қурбон аканинг оғир, вазминлиги, юз ўйлаб бир гапириши, ўзини тутиши, дунёқараши кенглиги, тўғриси, газета кўп ўқишидан бўлса керак, деб ўйлайман. Афсуски, баъзи раҳбарлардан қандай нашрларни ўқийсиз, дея сўрасангиз тайинли жавоб ололмайсиз.

— Аввало, ўқиш билан уқишни ҳам фарқлай билиш керак, — дейди Китоб туманидаги «Китоб» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Зариф Бурхонов. — Бир тоифа одамлар бор, номигагина обуна бўлишади — «обуна бўлдингизми, бўлдик...» Аммо ундан мақсад нима ўзи? Буниси муҳим. Ўнлаб газеталарни мунтазам ўқиб бораман. Махсус дафтарим бор, фикрларимни қайд этаман. Чунки, улар эртага керак бўлади.

Тўғри, кўп ўқисанг фикринг бойийди, билмаганингни билиб оласан. Лекин «раҳбар умуман газета ўқимаслиги мумкинми?» деган сўровимизга бир «бақувват» танишимиз шундай жавоб берди:

— Раҳбарлигимни газета ўқиш-ўқимаслик ёки телевизор кўриш-кўрмаслик билан боғлай олмайман. Шусиз ҳам ишларим жойида... Энди бу газеталарнинг кўпи бир-бирига ўхшайди. Бир-бирини такрорлайди...

Дарвоқе, ҳар кимнинг қандай газета-журнал ўқиши унинг ўз хоҳиши ва савиясига боғлиқ. Аммо газетани охирги марта қачон ўқигани эсида ҳам бўлмаган айрим раҳбарлар «газеталар бир-бирига ўхшайди» деган эски гапларни ҳамон кўтариб юрибди. Аслида бу фикр ҳам ўзиники эмас, кимдандир эшитган. Тўғри, айрим нашрлар мазмунан бир-бирига ўхшаб кетади. Бу ўхшашлик расмий материаллар эълон қилинганда кўпроқ кўзга ташланади. Масалан, ҳукумат қарорлари, Президент фармонлари сиёсий газеталарнинг барчасида эълон қилинади. Чунки, ҳар бир нашр ўз ўқувчиси, обуначисини ушбу ҳужжатлар билан таништиришни хоҳлайди. Бу тўғри, албатта. Аммо оддий бир мақолани ҳамма ҳам кўчириб босмайди ёки бир-бирига жуда ўхшаш икки нашр ҳам йўқ. Газеталаримизда камчилик йўқ деган фикрдан йироқмиз, муаммолар ҳам оз эмас. Фақат бир нарсани адолат юзасидан тан олиш керак, деб ўйлайман. Кейинги йилларда қатор газеталаримиз фаолияти сезиларли даражада жонланди. Таҳлилий-танқидий мақолалар кўпайди, изланишлар кўзга ташланмоқда. Гап раҳбарларнинг газета ўқишида, бу ўзгаришларни нечоғли сезаётганида.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Спорт

АФРО-ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДАН 13 ТА МЕДАЛЬ

Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида илк маротаба ўтказилган Афро-Осиё ўйинларига якун ясалди. Унда сузиш, енгил атлетика, ўқ отиш, бокс, футбол турлари бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган спортчиларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этдилар. Вакилларимиз умумжамоа ҳисобида еттита олтин, учта кумуш, учта бронза медалига сазовор бўлди.

50 метрга эркин усулда сузиш бўйича Равиль Начаев 23.63 сония натижа кўрсатиб, терма жамоамизга дастлабки олтин медални тақдим этганди. 200 метрга сузиш бўйича ўтган эстафета баҳсларида эса вакилларимиз бронза медали билан тақдирландилар.

Афро-Осиё ўйинлари ўтаётган кунларда Ҳиндистон оммавий ахборот воситаларида боксчиларимиз ҳамда футболчиларимиз номлари такрор ва такрор тилга олинди. Бунинг боиси, вакилларимиз мусобақада ўз маҳоратларини намойиш этиб, икки қитъада тенгсиз эканликларини исботлашди. Боксчиларимиз Икром Бердиев (81 кг.), Сергей Михайлов(91 кг.)лар ярим финалда имкониятни бой бериб, бронза медаллари билан кифояланганди. Аммо қолган беш вазн тоифасида ҳамюртларимизга тенг келадиган рақиб топилмади. «Осиё йўлбарслари» дея эътироф этилган «чарм қўлқоп» усталаримиздан Баҳодир Султонов (54 кг.), Дилшод Маҳмудов (60 кг.), Бахит Сарсикбаев (64 кг.), Ўткирбек Ҳайдаров (75 кг.) ҳамда Рустам Саидов (+91 кг.)лар мусобақанинг олтин медалларига сазовор бўлдилар.

Маълумки, ноябрнинг сўнгги ҳафтасида БААда футбол бўйича ёшлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бошланади. Мазкур нуфузли мусобақага йўлланма олган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Ҳиндистонда чиройли ва ҳужумкор ўйин кўрсатиб, мухлисларни хурсанд қилди. Дастлаб гуруҳ учрашувларида ёшларимиз Эрон ва Буркина-Фасо футболчиларини бир хил ҳисобда (1:0) мағлубиятга учратиб, Зимбабве терма жамоаси билан дуранг (1:1) ўйнади. Ярим финалда Руанда миллий терма жамоасини 2:1 ҳисобида ютган футболчиларимиз ҳал қилувчи ўйинга йўлланма олдилар. Вакилларимиз финалда ярим финалда Зимбабве футболчиларини (5:3) енгган мезбонлар миллий терма жамоасига рўбарў келишди. Учрашувнинг 83-дақиқасида «Бухоро» футбол клуби аъзоси Ислом Иномов томонидан киритилган ягона тўп Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига ғалаба келтирди — 1:0.

Шунингдек, Афро-Осиё ўйинлари дастуридан жой олган енгил атлетика баҳсларида Любовь Перепелова, Анастасия Журавлёвалар кумуш, Замира Амирова бронза медалларини қўлга киритди. 50 метрга кичик калибрли тўппончадан ўқ отиш мусобақасида 1259,7 очко тўплаган спортчимиз Вячеслав Скромнов ҳам шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

Эркин ХОЛБОБО

Интер-спорт

СЎНГГИ НОМЗОДЛАР РЎЙХАТИДА

«Олимпиада — 2012» ўйинларини ўтказишга даъвогар саналган Лейпциг шаҳри ҳозир сўнгги номзодлар рўйхатида турибди. Бунга сабаб олимпия ўйинларини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита аъзоларининг бир қанчаси бир вақтлар ГФР махфий полицияси — «Штази» билан алоқада бўлганлиги ҳақида газеталарда танқидий чиқишлар бўлган эди. Ташкилий қўмита раҳбари аввалига бундай чиқишларни тан олмаган бўлса-да, охир-оқибатда истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Шунингдек, Росток шаҳри бўйича ташкилий қўмита аъзоси Харальд Лототцке ҳам истеъфога чиқишни лозим топди.

КАТТА МАБЛАҒНИ ОЛМАГАНДИ, АММО...

Чукотка губернатори Роман Абрамович сотиб олган «Челси» футбол жамоаси Англия чемпионатининг навбатдаги учрашувлардан бирида яна бир ғалабага эришди. «Челси» сафарда Ливерпульнинг «Эвертон» футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ягона тўпни Адриан Муту дарвозага йўллади. Биринчи ўрин учун курашаётган «Челси» ўйинларида ўзига хос найранглар ҳам бор. Чунончи, Роман Абрамович ана шу учрашув олдидан «Эвертон» ва Англия терма жамоаси ҳужумчиси 17 ёшли Уэйн Рунига катта маблағни ваъда қилган эди. Лекин Руни бундан бош тортди. Учрашув эса нимагадир «Челси»нинг фойдасига ҳал бўлди. Ҳозир «Арсенал», «Челси» ва «Манчестер Юнайтед» пешқадамлик қилмоқда. «Челси» айни пайтда «Манчестер»дан икки очко олдинда бормоқда.

ИСРОИЛГА ФУТБОЛЧИЛАР ҚЎЙИЛМАЙДИ

УЕФАнинг навбатдаги ижроқўм йиғилишида ана шундай қарорга келинди. Исроил ўйинғоҳларида ўйнаш учун Оврўпонинг биронта футболчиси қўйилмайдиган бўлди. Бунга сабаб кейинги пайтларда мамлакатда халқаро вазият ўта кескинлашиб кетганлигида. Табиийки, бу ҳол футболчилар ҳаётини хавф остида қолдириши мумкин.

Ҳикматли сўзлар маъноси

Катта кема узоққа сузади

«Катта дарахтнинг қўланкаси ҳам катта». Бу мақоллар: «Кучли кучлилигини қилади. Кучсиз ҳар қанча чирангани билан кучлининг қилганини қила олмайди (Масалан: Бой молни улгуржисига олиб, улгуржисига сотади-да, бир йўла катта фойда кўради; катта ерга экин экиб, катта хирмон кўтариб, катта даромад олади. Ўз тирикчилигини бир амаллаб ўтказувчи камбағал эса асло бундай қила олмайди)», деган маънода қўлланилади.

Катта сув кўприксиз бўлмас

Одатда кичкина ариқчаларга кўпда кўприк солмайдилар. Катта сувларга эса албатта кўприк соладилар. Мажозда катта одамни (юрт оғаларини, бошлиқларни) катта кўприкка ташбиҳ этадилар. Кўприкдан яхши одам ҳам, ёмон одам ҳам, от ҳам, эшак ҳам ўтгани каби «катта одам» яхшилар билан ҳам, ёмонлар билан ҳам муомалада бўлади. Мазкур мақол билан «катта одам»га: «Сен яхшилардан мамнун бўлган ҳолда ёмонларнинг ёмон хатти-ҳаракатидан, ёмон гап-сўзидан хафа бўлиб, гина қилиб, асабингни бузиб юрма, юрагингни кенг қил, чидамли, бардошли бўл. Жамиятнинг ўзи шунақа — яхшилар ҳам кўп, ёмонлар ҳам», деган маънода насиҳат қиладилар, тасалли берадилар.

Каттани катта бил, кичикни — кичик

Бу мақол билан катталар билан кичиклар, яъни катта ёшдагилар билан кичик ёшдагилар, ота-оналар билан болалар, акалар билан укалар, опалар билан сингиллар ўртасидаги ўзаро муносабат қандай бўлиши лозимлиги уқтирилади. «Каттага катталарча бўл, кичикка — кичикларча» («Катталар орасида бўлганингда уларни иззат-ҳурмат қил, панд-насиҳатларига қулоқ ос, уларнинг ҳузурида бачкана қилиқлар қилма, тутуриқсиз гапларни гапирма, оғир-вазмин бўл. Кичиклар орасида бўлганингда эса уларнинг ўзларига яраша муомалада бўл, уларга хос гап-сўзларни топиб гапир, ўзингни катта тутма», дейилмоқчи.)

«УЧҚУДУҚДА ҚУЁШ ПОРЛАР»

Таниқли рассом Ўрол Тансиқбоев уй-музейида иқтидорли ёш мўйқалам усталарининг асарларидан иборат кўргазма очилди. Қизиғи шундаки, бу сафарги кўргазмага учқудуқлик Нурхан Назаров билан Суҳроб Қурбоновларнинг иждодига мансуб асарлар намойиш этилмоқда. Нурхан Учқудуқдаги У.Қожамуродов номли 4-мактабнинг юқори синф ўқувчиси бўлса, унинг ҳамроҳи С.Қурбонов эса Навоий шаҳридаги коллежда таълим олмоқда. Кўргазмани ташкил қилишда 4-мактаб директори ўринбосари Б.Қозиаҳмедова билан рассом болаларнинг ота-оналари яқиндан ёрдам беришди. Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон халқ рассомлари Холиқул Ҳайдаров, Чори Рўзиев ва бошқалар иштирок этди. Санъатсеварлар ва моҳир рассомлар Суҳроб Қурбоновнинг «Учқудуқда қуёш порлар» асарини юқори баҳолашди. Мой-бўёқда яратилган бу асар келажакда халқаро кўргазмалардан ўрин олса ажаб эмас. Муҳими, изланувчан ёш рассомлар ўз ижодлари билан Ўрол Тансиқбоев руҳини шод этдилар.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

КИМОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2003 йил 31 октябрь куни кимошди савдосида:
Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м. ва Г-38,0 м. кўчаларида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган 0,04 гектардан иборат ер майдонлари:
44-сонли ер майдони — 950 000 сўмга,
45-сонли ер майдони — 1 000 000 сўмга,
56-сонли ер майдони — 950 000 сўмга
сотилганлигини маълум қилади.

2003 йил 7, 14, 21, 28 ноябрь кунлари танлов савдоларини ўтказади.

Танлов савдоларига қуйидаги объект қўйилади:
Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, М.Ашрафий, 2-тор кўчаси, 4-уйда жойлашган «Музқаймоқ» давлат унитар корхонаси мулкий мажмуаси.
Бошлангич нархи — 70 886 000 сўм.

Танлов шартлари:
1. Замонавий халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарувчи корхонани ташкил этиш.
2. Қайта ташкил этилган корхонани замонавий ускуналар билан жиҳозлаш.
3. Корхонанинг мавжуд кредиторлик қарзларини тўлаш муддатлари.
4. Бино ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
5. Корхонани ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
6. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Шунингдек, ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари биржа савдоларини ўтказади.
Биржа савдоларига қуйидагилар қўйилади:
Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, Ц-15 даҳаси, 10а-уй манзилгоҳида жойлашган, «NASTARIN» масъулияти чекланган жамиятининг 35 фоизлик улуши.
Бошлангич нархи — 3 650 850 сўм.
Ҳамза тумани, Лисунов кўчаси, 4-даҳа, 22-уй манзилгоҳида жойлашган «Xosiyat-152» масъулияти чекланган жамиятининг Низом жамғармасидаги 35 фоизлик давлат улуши.
Бошлангич нархи — 4 678 200 сўм.
Аукцион савдолари соат 11.00да, Танлов савдолари соат 12.00да бошланади.
Танлов савдосига қўйилган объект учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.
Савдолар ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16а.
Савдоларда қатнашиш учун объект нархининг 10% миқдорида закалат пули тўланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

«СОВУТГИЧ» ЁТҲЖ
Барча турдаги автомобиллар ички ёнув двигателларини совутиш учун мўлжалланган юқори сифатли
«АНТИФРИЗ — ГА-39»ни
чекланмаган миқдорда
сотади.
Манзил: *Тошкент ш., А.Икромов туман, халқа йўли, саноат зонаси. «Равшан» автокорхонаси ичида жойлашган.*
Тел: 47-53-45; 47-03-06

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти кекса файласуф, профессор
Жалол Мансурович БОБОЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ХДП МК аппарати жамоаси партия ва меҳнат фахрийси
Фёдор Алексеевич ПРЯХИНнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси фахрий журналист, «Ўзбекистон овози» газетасининг собиқ Бош муҳаррир ўринбосари
Тўлаган НАЖМИДДИНОВнинг
вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон кардиологлари илмий-тиббий уюшмаси ва Республика ихтисослаштирилган кардиология Маркази жамоаси Кардиология илмий-тадқиқот институтининг собиқ директори, академик
Рауф-Рафаил Александрович КАЦЕНОВИЧнинг
вафот этгани муносабати билан марҳумнинг қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
ALOQABANK
Автомобиль эгаси бўлишни хоҳлайсизми, унда «АЛОҚАБАНК» кредитидан фойдаланишга шошилинг!
Сиз АТБ «АЛОҚАБАНК»нинг «ОРЗУ» номли омонатига нақд пул қўйиш шарти билан автомашина қийматининг 100 фоиз миқдорида кредит олиш имконига эга бўласиз.
УНГА КЎРА:
- *Кредитнинг йиллик ставкаси — **9 ФОИЗ***
- *Омонатингиз учун тўланадиган даромад — **ЙИЛЛИК 3 ФОИЗ***
- *Омонатга қўйиладиган бадал — **АВТОМАШИНА ҚИЙМАТИНИНГ 50 ФОИЗ МИҚДОРИДА***
- *Кредитни қайтариш муддати — **3 ЙИЛ***

КРЕДИТЛАШНИНГ ЭНГ ҚУЛАЙ ШАРТЛАРИ!
Кредит асосий суммасининг 50 фоизини сиз 3 йил мобайнида ойма-ой тенг миқдорда тўлаб борасиз, қолган 50 фоизини эса, кредитлаш муддатининг сўнггида «ОРЗУ» омонатидаги маблағни ўтказиш орқали тўлайсиз.
Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Толстой кўчаси 1-уй (Мўлжал, Тошкент ПОЧТАМТИ).
Тел: 137-07-90, 137-49-34, 137-10-20.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 0060
7621 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.20
1 2 3 4 5
SOTUVDA ERKIN NARXDA